

- 6.1. «Сотувчи» мажбурияти:
- 6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;
- 6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.
- 6.2. «Харидор» мажбурияти:
- 6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;
- 6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.
- 6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.
- 7.2. «Сотувчи» махсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса айбдор тараф 0,1 % миқдорда пеня тўлайди.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортиб «Сотувчи» 0,1 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, маблаг миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишуви асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборидан сакланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мажбурият бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълони қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган. Ҳамда ушбу шартнома Ўзбекистон Президентининг 2007-йил Февралдаги ПК-594-сонли қарорига асосан Газначиликда ройхатга олингандан кейин конуний кучга киради,
- 11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: 11,3, Шартномага илова: -----

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

Сотувчи	Харидор
Мол етказиб берувчи: «Хонка нон» хусусий	Бюджетдан маблаг олувчи Хоразим вилояти минтакалараро ХОСПИС шифохонаси.
Корхонаси	Манзил: Хонка туман Нурли осмон кучаси №28 уй
Манзил: Хонка т. Нафосат 2 уй	Тел/факс 39-91-853
Тел/Факс	ш/х *100021860332237073201054001
Х/Р 20208000900237905001	Бюджетдан маблаг олувчи .СТИР207331804
Банк номи Кишлоққурилишбанк Ханка	ОКОНХ: 86100
МФО 00562	Молия вазирлиги ягона ҳисоб varaги
СТИР 200429504	Газна х/р 23402000300100001010
ОКОНХ 18113	МФО: 00014
Рахбар	Газначилик булинмаси СТИР: 201122919
И Сапаев.	Рахбар К Кодиров